Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

11 январь, пайшанба, 1996 йил
Сотувда эркин нархда. № 8 (1261)

## ТОЖИКИСТОН ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

***10 январь куни Тожикистон Республикаси Бош вазири Жамшед Каримов раҳбарлигидаги шу мамлакат ҳукумат делегацияси Тошкентга ташриф буюрди.***

Шу куни Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон ва Тожикистон ҳукуматлари делегациялари ўртасида музокаралар бўлиб ўтди.

Музокараларда икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва 1996 йилдаги хўжалик алоқалари билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Музокаралар якунида ҳар икки республика ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича ҳукуматлараро битимлар имзоланди. Ҳужжатларга Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов ва Тожикистон Республикаси Бош вазири Жамшед Каримов имзо чекди.

Музокараларда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосари Қ. Ҳаққулов ва бошқа расмий кишилар қатнашди.

(ЎзА).



*Қува туманидаги М. Обидов номли жамоа хўжалигининг 2-бўлимида айни кунларда бу йилги ҳосилга пухта замин яратиш қизғин. Ариқ-зовурларни тозалаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, далаларга маҳаллий ўғит чиқариш, баҳорги экиш мавсумига ҳозирлик кўриш тадбирлари адо этилмоқда. Ҳозиргача бўлим далаларига 700 тоннадан зиёд маҳаллий ўғит чиқарилди.*

*СУРАТДА: 2-бўлим бошлиғи Тошмадали Жуманов.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## ОЛИЙ МАЖЛИС ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЖЎНАБ КЕТДИ

9 январь куни Олий Мажлис Раиси Эркин Халилов бошчилигидаги делегация Тошкентдан Австрияга жўнаб кетди. Делегация 10—13 январь кунлари Венада бўлиб ўтадиган Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти Парламент Ассамблеяси Доимий Қўмитасининг мажлисида иштирок этади.

## МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШНИ ЮҚОРИ ДАРАЖАГА КЎТАРАЙЛИК

Янги жамиятни қуриш шароитида ижтимоий-иқтисодий таълимни такомиллаштиришга бағишланган республика семинари Тошкентда ўз ишини ниҳоясига етказди. Унда республика олий ўқув юртлари ижтимоий ва иқтисодий фанлар кафедраларининг мудирлари ва ўқитувчилари иштирок этди. Улар Ўзбекистонда ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг моҳияти ва мақсадлари ҳақида лекцияларни тингладилар. Семинар тингловчилари ҳузурида республика вазирликларининг ва идораларининг раҳбарлари, олимлар, мутахассислар сўзга чиқишди.

Семинарда таъкидлаб ўтилганидек, ҳаётнинг ўзи Ўзбекистон танлаб олган ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш йўлининг тўғрилигини тасдиқламоқда. Иқтисодиётнинг барқарорлашуви кўзга ташланмоқда, кенг миқёсдаги таркибий ўзгартишлар учун мустаҳкам замин яратилди, республика аҳолиси қайта тузилган ижтимоий муҳофаза тизими фаолиятини сезиб турибди. Буларнинг ҳаммаси чинакам демократик янги жамият қуриш учун мустаҳкам пойдевордир.

Бу жараёнда бозор иқтисодиёти қонунларини, жамият тараққиёти тамойилларини фақат назарий жиҳатдан эмас, амалий жиҳатдан ҳам биладиган, ватанни, унинг тарихини севиш ва ҳурмат қилиш руҳида тарбияланган мутахассисларни тайёрлашнинг аҳамияти каттадир. Шу сабабли ижтимоий-иқтисодий фанлар бўйича давр талабларига мос келадиган янги дарсликлар ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш зарурати етилди. Айрим фанлар бўйича яқинда тайёрланган дарсликлар ва қўлланмалар семинар тингловчиларига тарқатилди. Семинар ялпи ва секция мажлисларининг материаллари умумлаштирилади ва улар ҳам янги дарсликлар яратиш учун асос бўлади.

Бундай республика семинарларини бошқа ижтимоий фанлар бўйича ҳам ўтказишга қарор қилинди.

Семинар ишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчилари А. Азизхўжаев ва В. Голишев, республика Бош вазирининг ўринбосари В. Чжен иштирок этди.

(ЎзА).

## СПОРТГА ҒАМХЎРЛИК ВА ЭЪТИБОР

***Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида журналистлар билан учрашув бўлди.***

Унда қўмита раиси Баҳодир Махситов тўпланганларни республикада жисмоний тарбия ва спортнинг ҳозирги аҳволи ҳамда уни ривожлантириш юзасидан кўрилаётган чоралар билан таништирди.

У Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги нутқининг муҳимлигини алоҳида таъкидлади. Бу мажлис мамлакатимизда футболни янада ривожлантириш масалаларига бағишланган эди. Қўмита ва Футбол федерацияси республикамизда миллионлаб кишиларнинг севимли ўйини — футболни халқаро ўйинлар даражасига кўтариш учун кўп иш қилиши лозимлиги ҳам таъкидланди.

Қўмита раҳбарлари оммавий ахборот воситалари вакилларининг кўплаб саволларига жавоб қайтардилар.

(ЎзА).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси Андижон вилоятидаги 51-Хартум сайлов округида 1996 йил 7 январь куни бўшаб қолган ўринга Олий Мажлис депутатини сайлаш бўйича ўтказилган сайловнинг натижаларини кўриб чиқди.

Овоз беришда округ бўйича рўйхатга киритилган 43262 сайловчидан 43073 таси ёки 99,6 фоизи иштирок этди. Шулардан 42679 киши ёки овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг 99,1 фоизи Иброҳим Усмонович Ғафуров номзодини ёқлаб овоз берди.

Овоз бериш натижалари тўғрисида округ сайлов комиссияси тақдим этган баённи кўриб чиқиб, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Республика Қонунининг 11,46-моддаларига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси 1937 йилда туғилган, Миллий тикланиш демократик партияси раиси ўринбосари, «Миллий тикланиш» газетасининг бош муҳаррири Иброҳим Усмонович Ғафуровни 51-Хартум сайлов округидан Олий Мажлис депутати этиб рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди.

## ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Самарқандда халқ депутатлари вилоят кенгашининг сессияси бўлди. Унда 1995 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис тўртинчи сессиясида ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил 25 декабрдаги Кенгашида сўзлаган нутқларида ўртага қўйилган вазифалар муҳокама этилди. Вилоят ҳокими А. Мардиев шу ҳақда маъруза қилди.

Маърузачи ва музокарада сўзга чиққанлар айни вақтда вилоятда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ортиб кетганига, иқтисодиётни бошқаришда устивор йўналишлар ва уларни молиявий, ташкилий, моддий таъминлаш дастури ишлаб чиқилмаганига эътибор қаратилди. Талайгина соҳаларда эскирган иш усуллари ва технологиялардан фойдаланиш ҳамон давом этмоқда. Кўпгина давлат идоралари раҳбарларининг бепарволиги ва лаёқатсизлиги аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда.

Сессияда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди, иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш тадбирлари маъқулланди.

(ЎзА).

• 1996 йил — Амир Темур йили

## ОРЗУЛАР ОРТИДАГИ ГУМБАЗ

### ёки Тошкент шаҳри марказида барпо этилаётган Амир Темур музейи қурилишидан

РЕПОРТАЖ

***1996 йил Президент Фармони билан Амир Темур йили деб эълон қилиниши, шубҳасиз, халқимиз кўнглидаги айни муддао бўлди. Зеро, улуғ зот номи ила юритилаётган янги йил барчамизга қут-барака, тинчлик, хотиржамлик, ҳамжиҳатлик олиб келса не ажаб...***

Биз янги йилнинг дастлабки кунлари Тошкент шаҳридаги соҳибқирон Амир Темур хиёбони ҳудудида олиб борилаётган қурилиш ишлари билан қизиқдик. Бетон деворлар билан ҳалқаланган кенг майдонда бунёдкорлик ишлари қизғин давом этмоқда эди. Айниқса, кенгишлатиб қазилган чуқурликда пайвандчи-қурувчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Улар беҳисоб арматуралардан ўргимчакдек тўр тўқиб, чуқурлик бўйлаб ётқизишар, қудратли машиналар эса унинг устидан бетон қоришмасини қуярди.

— Шу кунга қадар қарийб 30 миллион сўмга яқин маблағни ўзлаштиришга муваффақ бўлдик, — деди «Тошуйжойинвестқурилиш» корпорациясига қарашли «Турон» ҳиссадорлик жамияти бўлим бошлиғи Аваз Каримов. — Январнинг охирги ҳафтасигача биз асосий пойдеворни қуриб битказамиз. Ана шундан сўнг бу ерда ҳақиқий «жанг» бошланади. Бир йўла 7-8 та қурилиш ташкилотининг «десант»лари «майдон»га ташланади.

Дарҳақиқат, бу ерда Амир Темур таваллудининг 660 йиллик юбилейига қадар муҳташам иморат қад ростлайди. Улуғ зот номига тегишли осори-атиқалар сақланадиган мазкур иншоот ҳар томонлама пишиқ-пухта ва мукаммал лойиҳа асосида яратилмоқда. Яна бир неча ойдан сўнг шаҳарнинг марказий хиёбонини Амир Темур номидаги музейининг кўркам биноси безаб туради. Шубҳасиз, бу ерга келиб-кетувчиларнинг сони ҳам бир-неча баробарга ортади. Шу боис хиёбон ҳам кенгайтирилиб, хийла зеб берилаётир. Хусусан, Амир Темур ҳайкалининг тўрт томонига мафтункор фаввораларнинг ўрнатилиши қилинадиган ишларнинг дастлабки босқичи бўлган эди.

... Қурилиш майдони бўйлаб жойлашган ишчи-хизматчиларнинг кўчма «уй»ларини кўздан кечирдик. Иш вақти бўлгани учунми, уларда ҳеч кимни учратмадик. Эътиборимизни нисбатан тепаликда, бунёдкорлик ишларини кузатишга ўнғай ерда жойлашган «хосхона» тортди. Унга кириб борганимизда аллақандай қоғозларга тикилганича босиб-босиб сигарет тутатаётган йигитга дуч келдик. У бизни кўриб, кенг стол устидаги плакат қоғозларни йиғиштирган бўлди. Сўнг ўзини прораб Равшан Хўжаев деб таништирди.

— Бу чизмалар нималарни англатади? — деб сўрадик қалашиб ётган плакатларга бирбир кўз ташлар эканмиз. — Бунча кўп.

— Қурилиш лойиҳаси-да, — деди у, — биз бажаришимиз лозим бўлган бунёдкорлик ишларининг...

— Буниси-чи?

— Бизнинг соҳада нима кўп — чизиқ-белги, — деб кулди у. — Ҳар бирини шарҳлаб, тушунтирганим билан барибир ҳеч нарсани эслаб қололмайсиз. Биласиз, ишчиларимиз қурилажак иморатнинг пойдеворини барпо этишмоқда. Уни қаттиқ назорат қилиб бориш керак. Бу кунлик бажариладиган ишларнинг сифатини кўрсатувчи қайдлар.

Равшан ака тез, чаққон ҳаракат қилар, саволларимизга эса қисқа ва лўнда жавоб берарди. Музейнинг кўриниши қандай бўлади, деб сўраганимизда у бурчакдаги катта темир сейфни очиб, ундан плакат олди. Биз плакатни ёйиб томоша қилар эканмиз, Самарқанддаги Гўри Амир мақбарасининг нафис жилолари, нақшинкор кошинлари ва мафтункор гумбази кўз олдимизда пайдо бўлди. Шаҳрисабз шаҳридаги Оқсарой арки қолдиғининг бурунги маҳобати-ю, салобати ҳақидаги тасаввурларимиз беихтиёр жонланди. Назаримда, барпо этилаётган мазкур музей қайсидир жиҳатлари билан соҳибқирон Амир Темур бобомиз томонидан яратилган ёки орзу қилинган иморатлар сирасига ўхшарди. Айниқса, музейга кириш эшиги ёнида икки томонлама турган нақшинкор устунда худди Темур сарбозларидек кўринишдаги қурол-яроқли соқчи ҳайкалининг тасвирланиши, айтиш мумкинки, узоқ ўтмишдаги суронли йилларга қўйилган ўзига хос хотира бўлибди.

— Музей лойиҳасини ким яратган? — бехосдан берган саволимиз шу бўлди.

— Таниқли меъмор Абдуқаҳҳор Турдиев ва унинг шогирди Абдулла Қосимов.

— Музей учун танланган жой сизга маъқулми?

— Жуда маъқул. Музейнинг ҳамма томони очиқ фусункор биноси шаҳримизга ажиб таровот бағишлаб туради. Музейнинг олди эса Амир Темур ҳайкалига қараган бўлади. Оралиқдан кесиб чиқувчи айланма йўлнинг остидан пиёдалар йўлаги барпо этилади.

— Демак, музейга ташриф буюрувчи киши Амир Темур даврига тааллуқли осори-атиқалардан олдин ўша пайтдаги меъморчилик санъатига оид яхлит бир асарни томоша қилар экан-да?

— Умуман олганда, шунақа деса ҳам бўлади. Чунки, икки қаватли кўргазма залларини ўз ичига олган ушбу улкан гумбаз томошабинларга Самарқанд, Шаҳрисабз, Бухоро каби шаҳарлардаги тарихий обидаларни эслатиб туради.

**Ўктам ДЎСТЁР, «Халқ сўзи» мухбири.**

## ҲОКИМЛАР ЎҚУВИ

***Мустақил Ўзбекистонда турли бўғинлардаги раҳбар кадрлар ва жамоатчилик вакилларининг сиёсий, маданий, маънавий ва профессионал ўсиши учун зарур шарт-шароит яратилмоқда.***

Уларни қайта ўқитиш, малакасини ошириш ишларини тубдан яхшилаш чоралари кўрилмоқда. Бундан мақсад — раҳбар ходимлар янгича ишлаш, янгича фикрлашга ўрганиш имкониятига эга бўлсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида бошланган қишлоқ туман ҳокимларидан бир гуруҳининг ўқуви шу мақсадга қаратилган. Академиянинг профессор ва ўқитувчилари ҳокимларга таклиф қилган бир ойлик жадал ўқув дастури — иқтисодиёт, маънавият, ҳуқуқшунослик, сиёсатшунослик, кадрлар ва бошқарув илми каби масалалар юзасидан назарий ҳамда амалий билим беришни назарда тутади. Дастурда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» ва бошқа асарларини ўрганишга алоҳида ўрин берилган. Тингловчилар ўқиш давомида демократик қурилиш, бозор муносабатларига асосланган хўжалик юритишга оид ривожланган давлатлар тўплаган тажрибани ўрганиш, ўтказилаётган туб ислоҳотларда миллий ва маҳаллий шарт-шароитни, умумбашарий қадриятларни инобатга олиб, уларни амалга оширишда самарали иш тутиш йўлларини ўзлаштирадилар.

Тингловчиларни республика ҳукумати аъзолари, давлат ва жамоат арбоблари, хорижий давлатлар олимлари ва ишбилармонлари билан учрашувлар кутяпти. Улар, шунингдек, вазирликлар, ҳокимликлар, маданий-маънавий муассасалар, қўшма корхоналарда бўлиб баҳслашиш, ўз фикр-хулосаларини амалий тажриба билан таққослаш имкониятига эга бўладилар.

(ЎзА).

* ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОҚЕАЛАР *

### ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

"Халқ сўзи" ва ЎзА мухбирлари хабар қиладилар

## «БУГУННИНГ «ШУМ БОЛАСИ» САҲНАДА

***Огаҳий номидаги Хоразм вилоят мусиқали драма ва комедия театри жамоаси саҳналаштирган «Бугуннинг «шум боласи» комедияси мактаб ўқувчиларига қишки таътил кунларида ажойиб совға бўлди.***

Қурбон Муҳаммадризо қаламига мансуб бу асарда бозор-ўчарга аралашиб юрган ўсмирлар ҳажв остига олинади.

## ХУСУСИЙ МАИШИЙ ХИЗМАТ МАРКАЗИ ОЧИЛДИ



**Хатирчилик ишбилармон Ориф Норқулов туман марказида маиший хизмат уйини қуриб ишга туширди. Қурилиш учун керак бўлган нафис ғиштлар ва безак учун сопол товоқларни Риштон бадиий буюмлар ҳиссадорлик жамияти етказиб берди. Маиший хизмат уйида сартарошлик, тикиш — бичиш цехи, этикдўзлик, гўзаллик салони ишлаб турибди. Шунингдек, бу ерда «Учқун» кичик корхонасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, риштонликлар тайёрлаган чинни ва сопол буюмлар билан савдо қилувчи дўкон ҳам мижозлар хизматида.**

**Суратда: сотувчи Ў. ҲАСАНОВА.**

## ЯНГИ ЙИЛНИНГ ҚАДАМИ ҚУТЛУҒ КЕЛДИ

***Конимех тумани йўловчилари янги бош бекатдан фойдалана бошлади.***

Соатига 50 нафар йўловчига хизмат қиладиган бу бекатда оналар ва болалар хонаси, дам олиш хоналари, бошқа қулайликлар муҳайё этилди. Зарафшон шаҳрида ҳам шундай бекат ишга туширилди.

## ЎЗ ДАРОМАДИ ҲИСОБИГА

***Фарғонадаги нефтни қайта ишлаш давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси мижозлар учун яна бир қулайлик яратди.***

Бу ерда темирйўл эстакадаси ишга туширилди. Унинг ёрдамида айни бир вақтда минг тонна бензин ва дизель ёнилғи вагонларга ортилади. Илгари битта эстакада воситасида маҳсулот цистерна ва машиналарга навбатма-навбат қуйиб берилар эди. Янги эстакадани жамоа ўз даромади ҳисобига қуриб битказди.

## ТРАНСПОРТЧИЛАР КИЙИМ ТИКИШАЯПТИ

***Нукус троллейбус бошқармаси ўз аъзоларини айрим устки кийим-бош билан ўзи таъминлайдиган бўлди.***

Бу ерда кийим тикиладиган корхона очилди. Шу мақсадда бўш ётган бинолар таъмирланди, 22 дастгоҳ ўрнатилди. 40 нафар киши иш билан таъминланди.

## «ХАЛҚ ТАБОБАТИ» ХИЗМАТДА



**Термиздаги «Халқ табобати» поликлиникасида қўлланаётган даволаш усули самарали натижалар бераяпти. Шифобахш гиёҳлардан тайёрланган дамламалар айниқса, беморларни ошқозон-ичак, буйрак, тери, асаб, юрак хасталикларидан халос этаяпти.**

**Суратда: доришунос П. Усмонов иш устида.**

## ҒОЛИБ – ТАБИАТ ЖОНКУЯРЛАРИ

***Шаҳрисабз туман хотин-қизлар қўмитаси билан «ЭКОСАН» халқаро жамғармаси бўлими «Экология ва саломатлик» мавзуида кўрик-танлов ўтказди.***

Туман касалхонасининг «Нилуфар», Мироқи қишлоқ касалхонасининг «Меҳринисо» командалари аъзолари табиатнинг ҳақиқий жонкуяри эканини кўрсатди.

* ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОҚЕАЛАР *

• Долзарб муаммо

# ГАП СОНДА ЭМАС — БАНК ТИЗИМИНИНГ СТРУКТУРАСИДА

**Тошкент давлат иқтисодиёт дорилфунуни халқаро валюта ва кредит муносабатлари кафедрасининг профессори А. Қодиров билан суҳбат**

**— Ашурали Қодирович, сизнинг докторлик диссертациясини ҳимоя қилиш билан боғлиқ сўнгги уч йиллик ҳаётингиз Россия Федерациясида кечди: докторантурада ўқиш билан бирга, у ердаги қатор тижорат банкларида ишлагансиз. Табиийки, шу даврда хорижда туриб бўлса-да, Ўзбекистон фуқароси сифатида мамлакатимизда амалга оширилаётган банк сиёсатини кузатиб боргансиз. Бугун олим-мутахассис сифатида республикамизнинг банк тизимига қандай баҳо берасиз?**

— Маълумки, баҳо меъёри ёки бирор ҳодисага баҳо бериш доимо нисбий бўлган. Бутун бошли давлат банк тизимига баҳо бериш эса уни иккинчи бир давлат банк тизимига таққослашни талаб этади. Агар Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси банк тизимларини қиёслагудек бўлсак, улар шакл жиҳатидан ўхшаш бўлса-да (ҳар иккаласида ҳам марказий ва тижорат банклари мавжуд), лекин иш услублари, бошқарув тартиблари бир-биридан тубдан фарқ қилади.

Россия Марказий банки давлат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида унинг томонидан қабул қилинган қонун ва қоидалар асосида тижорат банкларига кўрсатмалар бериб, улар устидан назорат ўрнатган. Лекин амалиётда тижорат банклари бажарадиган бизнес шу даражада серқирраки, бунда Марказий банк услубий раҳбарлиги ва назорати кўп ҳолларда сезилмаяпти.

**— Буни аниқ мисоллар ёрдамида тушунтириб бера олмайсизми?**

— Марҳамат. Дейлик, янги тузилган тижорат банкининг Низом жамғармаси 10 бирликка тенг. Мавжуд қонунга биноан, у ана шу маблағнинг 20 баравар миқдоригача қарз бериш, шундай шароитни яратиш учун бу банкнинг очилишига ҳиссадор бўлган юридик ва жисмоний шахслар эса ундан шунча миқдоргача қарз олиш ҳуқуқига эгадирлар. Натижада иккинчи гуруҳдагилар ўз бадалларини 10-15 марта кўпайтириб, уни икки-уч бор айлантиргандан кейин океан ортига — енгил солиқ тизимига эга бўлган «Офф-шор» минтақасидаги давлатларнинг банкларига ўтказиб қўядилар. Банк-чи? Унинг асосий фаолияти энди шу пулларнинг ўрнини қоплашга қаратилади, яъни у энг арзон ва қулай ҳисобланган аҳоли қўлидаги маблағларни йиғиб олишга ҳаракт қилади. Бунда «мислсиз даромад манбаи» бўлган омонатга пулларни сақлаш, доимо «юқори ўзгарувчи курс»га эга бўлган акцияларни сотиш, уй-жойни «қарз»га ёки енгил машинани «ярим» нархига олиб бериш ва ҳоказо усуллардан фойдаланилади. Мабодо бу ҳам қўл келмаса, яъни аҳоли уларнинг ҳийласига учмаса, банкларнинг навбатдаги ўзаро ўйинлари бошланади: ҳисобида пули бўлган банк уни эҳтиёждор банкка қарз беради. Бундай кредитнинг муддати одатда соатлар ва кунлар билан белгиланади. Қарабсизки, пировардида ҳатто энг йирик банклар ҳам кичик ёки банкрот арафасида турган банклар билан чамбарчас боғланиб қолади. Шу йилнинг августида Россияда банклар соҳасида юз берган кризис бунинг ёрқин далилидир.

Ўшанда Россия Федерацияси Марказий банки баъзи бир сабабларга кўра, эҳтимол, тижорат банкларининг молиявий жиҳатдан қанчалик бақувватлигини аниқлаб олиш мақсадида «Банклараро ҳисоб-китоблар ва касса маркази»ни бир кунга ёпиб қўйганди. Натижада бир банк иккинчисига нафақат қарзини тўлолмади, балки бу занжирсимон боғланиш бутун тижорат банклари тизимини инқироз ёқасига олиб келди. Эртасига Марказий Банк ана шу хатони тузатиш ниятида тижорат банклари қўлидаги давлат хазина билетларини сотиб олишга 600 миллиард рубль сарфлаган бўлса-да, лекин вазиятни ўнглашга эриша олмади. Бугунги кунда ҳам мазкур тажрибанинг салбий оқибатлари тижорат банкларини саросимада сақлаб турибди.

**— Сизнингча, Россия Федерацияси банк тизимида бундай нохуш ҳолатнинг юзага келишининг асл сабаби нимада?**

— Асосий сабаб давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати билан боғлиқ. Биласизки, Россия бозор иқтисодиётига ўтишда «шок терапияси» усулини қўллади. Унинг бош мақсади ижтимоий тузумни шошилинч равишда ўзгартириб, йирик сармоя йиғишдан иборат эди. Афсуски, илғор ишлаб чиқариш ёки олдиндан тайёрланган моддий неъмат йўқ мамлакатда буни оқилона амалга ошириб бўлмасди. Бироқ улар ечимни «пулдан, рақамлар орқали қўшимча пул ясашдан топишди.» Бундай вазифани эса фақат банк соҳасида амалга ошириш мумкинлиги сабабли, охир-оқибатда ушбу тизим мўрт бўлиб қолди.

**— Шундай ҳолат республикамизнинг ижтимоий ҳаётида ҳам юз бериши мумкинмиди?**

— Агар биз мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Президентимиз раҳбарлигида устивор вазифаларимизни тўғри белгилаб олмаганимизда, «Янгисини яратмай туриб, эскисини бузма» деган қоидага риоя қилмаганимизда, унинг рўй бериши муқаррар эди. Шукроналар айтамизки, юртбошимиз раҳнамолигида Яратганнинг ўзи бизга энг тўғри йўлни кўрсатиб берган экан. Бунинг самараси ўлароқ, Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўртинчи сессиясидаги нутқида алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, республикамизда ўтган йили эмиссия ва инфляцияни пасайтиришга йўналтирилган пул-кредит сиёсати юритишга катта эътибор берилди. Шунинг натижасида, 1994 йил билан таққослаганда, инфляциянинг ўртача ойлик даражасини уч баробардан ортиқ камайтиришга ва унинг суръатларини изчил равишда сусайтиришга эришилди. Буларнинг ҳаммаси ўз навбатида банкларнинг қайта молиявий ставкаларини камайтириш имконини бермоқда ва ишлаб чиқаришга сармоя солиш учун қулай шароит туғдирмоқда.

Энг муҳими — республикамизда амалга оширилаётган изчил туб иқтисодий ислоҳотлар дастури халқаро молия муассасалари, шу жумладан, халқаро валюта фонди, Жаҳон банки ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтириш ишига ижобий туртки берди. Бу миллий валютанинг қадрини оширишга хизмат қиладиган валюта захираларини кўпайтириш учун молиявий ёрдам олишга имконият яратди.

Шу билан бирга, Олий Мажлиснинг мазкур сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонун эса биринчи ўқишда маъқулланиб, кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш учун лойиҳа матнини матбуотда эълон қилишга қарор қилинди. Хусусан, биринчи ҳужжатда Марказий банкнинг ҳуқуқий мақоми, вазифалари, шу жумладан, назорат вазифаларини бажариш бўйича ваколатлари, ташкил этилиши ва фаолият тамойиллари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа қонунлар асосида белгилаб қўйилган. Айниқса, унда Марказий банкнинг тижорат банклари устидан назорат қилишининг кафолатланиб қўйилганлиги «ёввойи» равишда вужудга келадиган шундай муассасаларга йўл қўймайди.

**— Ҳозир Россия Федерациясида уч мингга яқин тижорат банклари фаолият кўрсатмоқда. Бизда эса ушбу кўрсаткич ўттизтадан сал кўпроқдир. Бу мамлакатимиз учун етарлими?**

— Дарҳақиқат, айрим кишиларда «Республикамиз банкларнинг сони жиҳатидан Россиядан анча орқада қолган» деган тушунча мавжуд. Аслида бу нотўғри тушунча. Гап банк тизимининг структурасида. Россия Федерациясидаги банкларнинг аксарияти майда банклар бўлиб, кўпчилигида очилган ҳисобларнинг сони 500-700 тага етади, холос.

Республикамизда эса банк тизими, асосан, халқ хўжалиги тармоқларининг ривожланишига боғлиқ равишда шаклланаяпти. Бугунги кунда ҳар бир тармоқ банкининг ўнлаб, ҳатто юзлаб бўлимлари ва филиаллари борлиги шундан далолат беради. Тўғри, Россия Федерациясида ҳам тармоқ банклари ишлаб турибди. Лекин кўпчилик мижозларининг кетиб қолиши натижасида улар ҳозир ўз номига муносиб бўлмай қолди.

Устига устак, Россия банкларининг қарийб 90 фоизи Москва, Санкт-Петербург, Екатеринбург ва бошқа шунга ўхшаш катта шаҳарларда жойлашган. Федерациянинг вилоят ва туманларида эса улардан бир нечтасинингтина бўлимлари очилган.

Қолаверса, Россия Федерацияси майдони ва аҳолиси жиҳатидан Ўзбекистондан анчагина каттадир. Шу жиҳатдан олганда, «Республикамизда 600-750 тача банк бўлиши керак экан» деган фикрга ҳам қўшилиб бўлмайди. Ҳақиқатда эса, мамлакатимизда мавжуд банкларнинг сони уларнинг бўлим ва филиаллари билан қўшиб ҳисоблаганда 3000 тадан зиёд. Муҳими, бизда МДҲ давлатлари ўртасида биринчи бўлиб омонат кассалари вазифаларини бажариб келаётган Жамғарма банки универсал тижорат банкига айлантирилиб, у «Халқ банки» мақомини олди. Бугунги кунда бу муассасанинг бўлимлари очилмаган туманлар ва кичик ҳудудлар қолмаган. Шу боис аҳоли жон бошига банк хизмати кўрсатиш бўйича анча юқори натижаларга эришаяпмиз.

Энди иқтисодий мувофиқлик нуқтаи назаридан нечта банк бўлиши зарурати масаласини кўриб чиқайлик. Банк тизимининг бош мақсади, фикримизча, жамиятда пул оборотини тезлаштириш, фондлар айланишининг узлуксизлигини таъминлаш учун кредитдан унумли фойдаланишдан иборатдир. Бундай хулосага айримлар қўшилмаслиги мумкин. Сабаби — тижорат банкларининг мақсади фойда олишга қаратилган. Тўғри, товар ишлаб чиқариш бор экан, унинг маълум босқичида қатнашувчи банкнинг ҳам ўз қизиқиши бўлади. Лекин фойда олишнинг йўли турличадир. Мисол тариқасида унинг абсолют ва нисбий йўлларига тўхталайлик. Абсолют фойда олиш деганда, доимий мўътадил фойда олишдан воз кечган ҳолда банк бизнесининг ҳамма қирраларини ишга солиб, қисқа муддатда ялпи фойдани қўлга киритиш тушунилади. Бундай хусусият Россия Федерацияси банкларининг аксариятига хос бўлиб, улар, асосан, юқори даражада фойда олиш ва уни ўзлаштириш орқасидан қувиб, банк ва мижозларнинг келажак ҳолатига бефарқ қарайдилар. Натижада банк ё инқирозга учрайди, ё жамғарган фойдасининг бир қисмидан воз кечиб, ўз мажбуриятлари билан қисман ҳисоблашади-да, аста-секин нисбий фойда олиш йўлига ўтиб олади.

Бу нима дегани? Мижозлар молиявий ҳолатларининг барқарорлигига эришиш йўли билан халқ хўжалигини ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшиб, фойдалилик даражаси ҳисоб-китоблар ва кредитдан фойдаланиш самарадорлигига мутаносиб бўлишини таъминлайдилар. Бундай усул меъёрий жиҳатдан паст бўлса-да, лекин доимийдир.

Умуман, ишлаб чиқариш, у билан боғлиқ товар айрибошлаш ва фондларнинг узлуксиз доиравий айланиши банкларнинг ташкил этилишини тақозо қилади. Шу боис унинг фаолиятига ишлаб чиқариш ва товар айрибошлаш бирламчилигини сақлаган ҳолда баҳо бериш керак.

Иқтисодий ривожланган мамлакатларда Марказий банк ёки Федерал тизим халқ хўжалигини ривожлантириш мақсадларини кўзлаб, давлат манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда тижорат банклари устидан назорат ўрнатиб боради. Белгиланган меъёрий кўрсатмаларга риоя қилиб бориш эса, тижорат банкларининг нисбий фойдалилик тамойилини белгилайди. Демак, бутун дунё нисбийлик назариясига мувофиқ, банк мутахассислари қўлга киритилган ютуқлардан эсанкирамай, абсолют фойда кетидан қувмай, нисбий фойда даражасига қаноат қилиб, иш тутишлари лозим. «Ўзбекчилик аста-секинлик», деб ота-боболаримиз бежиз айтмаганлар-ку!

Юқорида келтирилган фикрлардан, албатта «Республикамизда етарлича банклар ташкил этилган» деган хулоса чиқармаслик керак. Бозор иқтисоди йўлида халқ хўжалигининг ривожланиши давом этар экан, шубҳасиз, янги тармоқларнинг вужудга келиши ёки эскиларининг тараққиёти эвазига ҳамда чет эл инвесторлари маблағларининг кенг кўламда кириб келиши замирида янги банклар таркиб топа бориши табиий бир ҳолдир.

**— Бу, ҳойнаҳой, уларда ишлайдиган етук мутахассис кадрлар тайёрлашни ҳам талаб этади.**

— Тўғри айтдингиз. Афсуски, республикамизда таълим ва маориф ривожи умумиқтисодиёт равнақи ва муваффақиятларидан анча орқада қолмоқда. Банк мутахассисларини тайёрлаш ҳақида фикр юритилганда, айниқса, бу соҳада олдинги йилларда талайгина камчиликларга йўл қўйилганлигини инкор этолмаймиз. Лекин бугунги кунда жамиятдаги иқтисодий қийинчиликларни рўкач қилиб, ана шу мавжуд камчиликларга барҳам бериш ишига панжа орасидан қараш, Президентимиз таъкидлаганидек, ношудлик, ноқобиллик ва баҳонапарастликдан ўзга ҳол эмас.

Чунки не машаққатлар эвазига яратилаётган янги банк тизимини келажакда билими саёз, тафаккури паст авлодларга ташлаб кетмаслик учун, бизнингча, Марказий банк ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қуйидаги масалаларнинг ечимига алоҳида эътибор беришларини истардик:

Олий ва ўрта махсус таълим мактабларида банк мутахассисларига билим бераётган профессор-ўқитувчилар аттестациядан ўтказилиши ва бу масканларда мавжуд ўқув қўлланмаларию дастурларнинг маъно жиҳатдан иқтисодий сиёсатимизга қанчалик тўғри келиши текширилиб, шунга яраша чора-тадбирлар кўрилиши лозим. Буни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

**— Тижорат банкларининг инқирозга учрамаслигига кафолат борми?**

— Баъзи бир ёпилган ёки шундай ҳол кутилиши мўлжалланаётган банклар, кенг банк тизимидан ўз ўринларини топа олмаган бўлишлари мумкин. Одатда бундай банкларнинг жамият ривожланиши йўлида бажарган роли ниҳоясига етиб, кейинги давр учун ўзларини тайёрлаб ола билмайдилар. Шу боис тижорат банклари доимо ўз мижозлари даврасини кенгайтириши, янги хил хизмат турларини кўрсатиши, жамият ривожланиши билан бирга қадам ташлаб, шу асосда иш юритишлари керак.

**— Банкларнинг инқирози муқаррар бўлса, демак пешанотери эвазига топган ўз сармояларини уларда сақлаб келаётган аҳолининг алданиб қолиши мумкин экан-да?**

— Назаримда, Сиз Россиядаги «МММ», «Тибет» акциянерлик жамиятлари, «Чарибанк» ва бошқа шу сингари корхоналар тақдирини кўзда тутаётирсиз. Биласиз, банк хизматидан нафақат юридик шахслар, балки кўп сонли аҳоли ҳам фойдаланади. Уларнинг алданиб, ҳалол меҳнати эвазига тўплаган жамғармаларидан ажралиб қолиши охир-оқибатда давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатига нисбатан ишончсизликни туғдиради. Шунинг учун ҳар қандай салбий ҳолатлардан аҳоли хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Марказий банки тижорат банклари учун белгиланган маблағларни мажбурий резервлаштиришнинг меъёрий даражасини пасайтирмасдан, балки уни баъзи ҳолларда кўтариб ҳам келмоқда. Бундан ташқари, Россия Федерациясидан фарқли ўлароқ, юртимизда шу кунгача банкларнинг бир кунда ёпилиб қолиши ҳолати кузатилмаган. Қолаверса, ҳукумат ҳам, Марказий банк ҳам ўзининг таҳлилий маълумотларига асосан, қайси банкнинг ёпилиб қолишини олдиндан билиб, шунга яраша чоралар кўриб келмоқда. Ўзбекистон Президентининг «Аҳолининг омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш тўғрисида»ги Фармонининг матбуотда эълон қилиниши бунинг ёрқин далилидир.

Айни чоғда республикамизда қимматли қоғозлар бозори ҳам тобора кенгайиб, ривожланиб бормоқда. Аҳолининг турли қатламлари эса юридик шахслар (эмитентлар)нинг ўша қоғозларини ҳарид қилиб олмоқдалар. Бундай пайтда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун республикамизда давлат тасарруфидан чиқарилган мол-мулкларнинг сотилишидан тушган маблағ негизида «Миллий инвестиция фонди» ташкил этилган. Бу фонднинг мақсади корхоналар ва ташкилотларнинг акцияларини ҳарид қилиб, аҳолига эса ўз акцияларини сотишдан иборатдир. Шуниси қувончлики, республикамизда амалга оширилаётган ушбу тадбир эндиликда кўп йиллар мобайнида ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг турли соҳаларида «раҳнамо», бўлиб келган Россия Федерациясида ҳам татбиқ этилмоқда. Бу эса, яна такрор ва такрор айтамизки, Ўзбекистоннинг бозор иқтисодига ўтишда ўзига хос мустақил йўли борлиги ва у бу йўлдан дадил бораётганлигидан далолат беради.

**— Банкдаги айланма маблағларнинг доимий бўлиши учун нималарга эътибор қаратилмоғи керак?**

— Бу, таъбир жоиз бўлса, бугунги куннинг долзарб муаммосидир. Банкда доимо пул бўлиши қуйидаги шарт-шароитларга боғлиқ:

у жойлашган ҳудудда аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг кенг тармоғи ривожланган бўлиши;

чакана савдо оборотидан тушиши мумкин бўлган пул маблағлари банкка ўз вақтида қайтиб келиши;

корхоналар ўртасидаги ҳисоб-китоблар ўз муддатида амалга оширилиши;

кўзда тутилган солиқ ва тўловлар кечиктирилмай ўтказиб турилиши;

банкдан олинган қарзнинг шахслар томонидан ўз вақтида қайтарилиши таъминланиши;

нақд пулнинг бир шаҳардан иккинчи шаҳарга кўчиши — миграциясига мумкин қадар чек қўйилиши ва ҳоказо.

Бу мақсадларга эришиш учун, банк тармоқлари ўртасида ҳисоб-китобларни тезлаштириш мақсадида, аввало, жойларда «Ҳисоб-китоб марказлари» ёки клиринг марказлари очилмоғи керак. Бошқача айтганда, бир неча тижорат банки бирлашиб, шундай марказлар тузадилар. Янги тузилманинг моҳияти шуки, дастлаб банклараро ҳисоб-китоблар ўзаро қайчиланиш асосида олиб борилиб, пировардида тўланмаган қолдиқ сумма улар ўртасида ўзаро тузилган резерв фонд асосида тўланади. Ушбу юмуш эса автоматлаштирилган тўлов тизимига кўра амалга оширилиши лозим. Иккинчидан, кичик ва хусусий тадбиркорлар томонидан йўл қўйилаётган нуқсон, яъни нақд пулнинг бир шаҳардан бошқа шаҳарга ҳаракати — миграциясининг олдини олиш ниятида тегишли иқтисодий чораларни жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу долзарб муаммо, фикримизча, фақат ҳудудий ҳокимият раҳбарлари ёрдамида ёки уларнинг бевосита иштирокида ҳал қилинмоғи лозим. Бу ҳар бир туман ва вилоят тадбиркорлари вақтинчалик бўш туриши мумкин бўлган пул маблағларини (улар ўртача 15 кун давомида бўш туриши, шу муддатда бундан маҳаллий ҳокимият вакиллари вақтинчалик фоизсиз қарз маблағ сифатида фойдаланиши мумкин) пул ўтказиш йўли билан конвертациялаштириб, ҳудуд бозорларида камёб бўлган товар қийматларни хоҳлаган мамлакатлардан ҳарид қилишларига имкон яратади. Натижада Тошкент ёки бошқа катта шаҳарлардаги улгуржи бозорлар ҳудудларга тушиб боради, келтирилган товар қийматларнинг нархини мувофиқлаштириш йўли орқали ҳудудда ижтимоий муаммолар ҳал қилинади, нақд пул бошқа шаҳарларга кўчмасдан, шу ҳудудда хизмат қилаётган банкларга қайтиб, улар иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар учун ўз муддатида бериб борилади.

Қисқаси, мамлакатимизда ихтиёрий кредит кооперацияларининг тузилиши, траст (ишонч) марказлари, лизинг компаниялари ва бошқа бир қатор молиявий институтларнинг очилиши туфайли банк-молия тизими барпо бўладиким, у эса келажакда давлатнинг равон қон томирларига айланажак.

«Халқ сўзи»нинг махсус мухбири
**Икром ЎТБОСАРОВ**
суҳбатлашди.

• Хотира

# ЁДИ ЁДИМИЗДА

*Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, улар чақмоқ янглиғ қисқа умр кўрсалар-да ўз ибратли ҳаётлари, эзгу ишлари билан юзлаб, минглаб кишилар қалбини забт этадилар.*

Навқирон юраги яшаш, яратиш, меҳр улашиш ишқи билан ёнган, 39 ёшида бевақт кўз юмган Ҳодисахон Алимова ана шундайлардан бири эди. У Асака туманидаги 28-ўрта мактабни аъло баҳоларга тамомлаб, Андижон давлат педагогика институтига ўқишга кирганди. Илк иш фаолиятини тарих ва жамиятшунослик фани ўқитувчиси сифатида 27-ўрта мактабдан бошлаган.

— Опа тиниб-тинчимас, меҳрини, истеъдодини, билимини ўқувчиларга бахшида этарди, — дейди унинг шогирдларидан бири, ҳозирда 27-ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаётган Мавжуда Алимова. — Унинг дарсида энг ўйинқароқ, шўх болалар ҳам киприк қоқмай сеҳрлангандай ўтиришарди. Юзлаб, минглаб йил нарида, тарих зарварақларида келиб-кетган воқеалар унинг меҳр тўла нигоҳларида, дона-дона сўзларида қайта жонланарди.

Ҳодисахон мактаб, маориф соҳасидаги ҳар бир янгиликни тезроқ ҳаётга татбиқ этиш, дарс самарадорлигини ошириш учун курашарди. Ўз устида тинимсиз ишлаш, педагогиканинг энг самарали услубларида иш юритиш унга катта муваффақиятлар келтирди. Шу боис ёш бўлса-да, аввал «Катта ўқитувчи», «Методист ўқитувчи», 1991 йилда эса «Олий тоифали ўқитувчи» бўлди. Республика Халқ таълими вазирлиги, Фанлар академияси, туман ва вилоят халқ таълими бўлимлари, вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти томонидан унга тақдим этилган фахрий ёрлиқлар, кўплаб ташаккурномалар жонкуяр муаллима меҳнатига муносиб баҳодир. У икки чақириқда Ўзбекистон қишлоқ кенгаши ноиби ва ижроқўм аъзоси, Асака туман кенгаши ноиби сифатида ҳам фаол иш олиб борди.

Бугун унинг ишини Барчиной Йўлдошева, Ирода Ҳабибохунова, Гулмира Исоқова каби шогирдлари давом эттирмоқда.

Умр — бевафо, дейдилар. Биров эрта, биров кеч, ҳаммамиз ҳам ёруғ дунёдан кўз юмамиз. Бироқ эндигина кўзлаган мақсадларидан атиги бир қисмини амалга оширган, қалби келажак орзуларига тўла инсоннинг бевақт вафоти барчани изтиробга соларкан.

Инсондан эзгу ишлар, муносиб шогирдлар, қобил фарзандлар мерос. Ўтганлар хотирасини эъзозлаш тирикларнинг муқаддас бурчидир. Асака тумани халқ таълими бўлими, туман ҳокимияти ҳаётдан эрта кетган муаллима Ҳодисахон Алимова номини бирон кўча ёки мактабга берса кўп савобли иш бўларди.

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ОЛАМДА НИМА ГАП?

## ҚЎШИЛМАСАЯМ ҲАМКОРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ НИЯТИДА

***Президент Л. Кучманинг биринчи ёрдамчиси В. Кузнецов журналистлар билан учрашувда Украина 1996 йили МДҲга аъзо мамлакатларнинг божхона иттифоқи ва ягона тўлов тизимига қўшилмаслик ниятида эканини маълум қилди.***

«Айни пайтда Украина МДҲ мамлакатлари билан иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтиради», деди В. Кузнецов.

## ИСЁНКОРЛАР ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ

***Сальвадорда икки юз нафарга яқин давлат хизматчилари мамлакат пойтахти Сан-Сальвадордаги ибодатхонани эгаллаб олдилар.***

Улар мамлакатда «Зарурий истеъфо тўғрисидаги қонун»нинг кучга киришига қарши норозилик билдирмоқдалар.

Ушбу қонунга биноан турли хизмат ўринларини банд этиб турган 15 минг нафарга яқин амалдор ишдан озод этилиши керак. Айни пайтда «исёнкор» давлат хизматчилари билан полиция бошқармаси ўртасида музокаралар ўтказилмоқда.

## Ф. МИТТЕРАН ОЛАМДАН ЎТДИ

***8 январ куни тонгда Франциянинг собиқ президенти Франсуа Миттеран 80 ёшида вафот этди.***

Ф. Миттераннинг шахсий секретариати маълумотига қараганда, рак ҳасталиги ўлимга сабаб бўлган. Франция Президенти Жак Ширак ҳам Ф. Миттераннинг вафот этганини расман тасдиқлади. Ушбу нохуш воқеа сабабли Жак Ширак журналистларни янги йил билан табриклаш маросимини бошқа кунга қолдирди. Ф. Миттеран 1981 йил ва 1988 йилларда икки маротаба Франция Президенти этиб сайланган. 1995 йилнинг 17 майида бешинчи республиканинг давлат раҳбари лавозимини Жак Ширакка топширган эди.



*СУРАТДА: Кишинёв.*

## ОТА-ОНАЛАР ЎЗГАРТИРИШ ВА ТЎЛДИРИШЛАРГА ҚАРШИ

***Россиялик аскарларнинг ота-оналари 5 январь куни эрталаб Россия Федерацияси Президенти маъмурияти биноси олдида тўпландилар.***

Улар «Ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунга ўзгартиришлар ва тўлдиришлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасига мамлакат Президентининг имзо чекишини талаб қилмоқда. Ушбу қонунга киритилган ўзгартиришга мувофиқ, бир ярим йиллик ҳарбий хизматга чақирилган аскарлар яна ярим йил қўшимча хизмат вақтини ўтамаслиги лозим.

## КОНЦЕПЦИЯ ТАСДИҚЛАНДИ

***Грузия Мудофаа вазирлиги республиканинг ҳарбий доктринаси лойиҳаси ва мамлакат қуролли кучлари қурилиши концепциясини тасдиқлади.***

Яқин кунлар ичида ушбу ҳужжатлар республика парламенти муҳокамасига тақдим қилинади. Лойиҳага мувофиқ Грузия ҳарбий доктринаси мудофаа характерида бўлиб, мамлакатнинг бошқа давлатга қарши ҳарбий иттифоққа кириши таъқиқланади.



*СУРАТДА: Буюк Британия тарихий обидаларига бой мамлакат.*

## ХОРИЖИЙЛАРГА ҚАРШИ ТАДБИР

***Россия Федерациясининг Владивосток вилоятида ўтказилган «Хорижлик» тадбири якунланди.***

Ушбу тадбир 1994 йилнинг 1 январида Приморье ўлкасида ноқонуний яшаётган хорижий фуқароларни ўлка ҳудудидан чиқариб юбориш мақсадида бошланган эди. Маълумотларга қараганда, ўтган икки йил давомида Приморье ўлкасида ноқонуний истиқомат қилаётган 7349 нафар хорижий фуқаро аниқланиб, Россия ҳудудидан чиқариб юборилган.

## ТАН ОЛИШИНИ АЙТДИ

***Непал Бош вазири Шер Баҳодир Деупа Хитойнинг Непалдаги элчиси билан учрашув чоғида мамлакат ҳукумати Тибетни Хитойнинг ажралмас қисми сифатида тан олишини айтди, деб хабар беради РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси.***

Шунингдек, у Непал ҳукумати мамлакатда Хитойга қарши бирор бир ҳарбий акция ўтказилишига йўл қўймаслигини таъкидлади.

## ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ

***Буюк Британия халқаро терроризмга ва наркотикларнинг ноқонуний савдосига қарши курашда Покистон билан ҳамкорлик қилишга тайёр, деди Исломободга расмий ташриф буюрган Буюк Британия Ички ишлар вазири Майкл Хоуард.***

Британия вазири Покистон Бош вазири Беназир Бхутто билан учрашувдан сўнг мамлакатнинг Шимоли-Ғарбий чегарасида афғон контрабандачиларидан Покистон ҳукумати мусодара қилиб олган 200 тонна гашишнинг рамзий ёқилиши маросимида иштирок этди.

